Ўзбекистон овози

Газетага 1918 йил 21 июнда асос солинган

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИНИНГ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

● Газета: «Иштирокиюн» (1918 — 1920). «Қизил байроқ» (1920 — 1923 й.). «Туркистон» (1923—1924 й). «Қизил Ўзбекистон» (1924—1964 й). «Совет Ўзбекистони» (1964—1991 й.) номи билан чоп этилган, ҳозир «Ўзбекистон овози» (1991 йил 1 сентябрдан) номи билан чиқмоқда.

№ 144 (21. 243) 1992 йил 23 июль, пайшанба

БАҲОСИ 2 СЎМ.

1 СЕНТЯБРЬ · ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ МУСТАҚИЛЛИК КУНИ

● БАЙРАМ ШОДИЁНАЛАРИ ТОБОРА ЯҚИНЛАШМОҚДА

● ЎЗАРО МАНФААТЛИ ҲАМКОРЛИК МУЛОҚОТИ

• ЎЗБЕКИСТОН—РОССИЯ:

УМУМИЙ ЕЧИМЛАРНИ ИЗЛАБ

22 июль куни Тошкентда Ўзбекистон Республикаси ва Россия Федерацияси ҳукумати делегациялари ўртасида музокаралар бўлиб ўтди. Ўзбекистон делегациясида республика Бош вазирининг ўринбосарлари Б. Ҳамидов билан Қ. Ҳаққулов, Ўзбекистон Президентининг давлат маслаҳатчиси Т. Алимов, республика ташқи ишлар вазири У. Абдураззоқовлар бор. Россия Федерацияси ҳукумати бошлиғининг ўринбосари А. Шохин шу мамлакат делегациясига бошчилик қилмоқда.

Музокаралар чоғида ҳар икки томонни қизиқтирувчи кўп масалалар муҳокама қилинди. Собиқ Иттифоқ республикалари ўртасидаги алоқаларнинг узилиши оқибатида келиб чиққан иқтисодий муаммолар музокарада асосий ўрин тутди.

Иккала томон мавжуд муаммоларни ҳал этишга ягона ёндашувни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, келишилган иқтисодий сиёсатни ўтказиш натижасидагина Ўзбекистонда ҳам, Россияда ҳам хўжалик ва молиявий вазиятни барқарорлаштириш мумкин деб ишонч билдирди.

Россия билан Ўзбекистон ўртасида нефть ва нефть маҳсулотларини пахта толасига ўзаро манфаатли алмаштириш масалалари учрашувда муҳим ўрин тутди. Учрашув қатнашчилари ҳаётий муҳим хом ашё ва материаллар билан таъминлашда иккала мамлакатда тўпланиб қолган муаммоларни ўзаро мақбул равишда маърифатли асосда ҳал этиш йўлларини топиш учун кўп куч-ғайрат сарфладилар.

Музокаралар якунлари юзасидан Ўзбекистон — Россия муносабатларини ривожлантиришга тааллуқли Қўшма ахборот имзоланди.

Шу куни Россия делегацияси аъзоларини Ўзбекистон Президенти И. А. Каримов қабул қилди. Ошкора, эркин суҳбатда музокараларда тилга олинган масалаларни муҳокама қилиш давом эттирилди.

Суҳбатда Россия Федерациясининг Ўзбекистондаги фавқулодда ва мухтор элчиси Ф. Сидорский қатнашди.

(ЎзА).

(Ўзбекистон Республикаси ва Россия Федерацияси ҳукумат делегацияларининг учрашуви тўғрисидаги ахборот газетанинг келгуси сонида эълон қилинади).

БУ КУНЛАРГА ЕТГАНЛАР БОР, ЕТМАГАНЛАР БОР

Тошкентда Ўзбекистон Республикасининг Мустақиллик кунини байрам қилишга тайёргарлик кўриш республика комиссияси ишчи гуруҳининг мажлиси бўлди. Мажлисни Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги давлат назорати қўмитасининг раиси, ишчи гуруҳ раҳбари М. М. Мирқосимов бошқарди.

Байрам тантаналари 31 август ва 1 сентябрь кунларига мўлжалланди. «Мустақиллик, дўстлик ва тинчлик» шиори остида ўтадиган бу маросимлар Тошкентдаги Ўзбекистон Миллий боғида буюк шоир ва мутафаккир Алишер Навоий ҳайкали пойнга гуллар қўйиш билан бошланади. «Халқлар дўстлиги» саройида тантанали мажлис бўлади. Шу куни республика шаҳар ва туманларида, маданият ва истироҳат боғларида, марказий майдонлар ва маҳаллаларда байрамга аталган умумхалқ сайиллари ўтказилади.

Асосий байрам 1 сентябрь куни Мустақиллик майдонида бўлади. Бу ерда тарихимизда биринчи марта Ўзбекистон Қуролли Кучлари ва Миллий гвардияси паради ўтказилади. Майдонда катта томоша намойиш қилинади, мустақиллигимизни тараннум этувчи қўшиқ ва шеърлар янграйди.

Ишчи гуруҳи мажлисида вазирликлар ва идоралар нинг, ижодий уюшмалар раҳбарларининг байрамга қандай тайёргарлик кўрилаётгани ҳақидаги ахборотлари тингланди.

Мажлисда Ўзбекистон Президентининг давлат маслаҳатчиси Б. Назаров иштирок этди.

(ЎзА).

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ АЪЗОЛИК БИЛЕТЛАРИ ТОПШИРИЛМОҚДА



● НАМАНГАН

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши биринчи котиби, Ўзбекистон Республикаси халқ ноиби М. М. Расуловнинг Наманган вилоятига ташрифи Учқўрғон районидан бошланди. У шу ерда республика халқ ноиблигига сайланган эди. Ноибнинг сайловчилар билан учрашуви ёғ-экстрация заводида бўлиб ўтди. Бу ерда сайловчилар биринчи котибни мамнуният билан кутиб олишди. Корхона ишчи ва хизматчилари учун 48 квартирали уйни қуриб фойдаланишга топшириш, шаҳарни газлаштириш ва ободонлаштириш ишларида ноиб сифатида М. М. Расуловнинг ҳиссаси катта бўлди.

Халқ ноиби сайловчиларга республикадаги ҳозирги сиёсий аҳвол, Президент И. А. Каримовнинг яқинда бўлиб ўтган Ўзбекистон Олий Кенгаши сессиясида қилган маърузасидан келиб чиқадиган вазифалар тўғрисида гапириб берди. Аҳиллик ва ҳамжиҳатлик билан ҳозирги қийинчиликларни бартараф этиш тўғрисида ўз фикр-мулоҳазаларини билан ўртоқлашди.

Сайловчилар халқ депутати фаолиятидан қониқаётганликларини таъкидладилар.

Куннинг иккинчи ярмида М. М. Расулов 80 дан ортиқ партия аъзоларига партия билетлари топшириш муносабати билан бўлиб ўтган партия фаоллари йиғилишида иштирок этди. Йиғилишда партия сафида 40-50 йил аъзо бўлган фахрийларга ҳамда партияга эндигина кирган ёшларга партия билетлари тантанали равишда топширилди.

— Мен партияга Улуғ Ватан уруши даврида ўтганман, — дейди ҳаяжон билан Олимжон Раҳмонов ХДП билетини олаётиб. — Ҳозир районда уруш ва меҳнат фахрийлари кенгашининг раисиман. Кези келгандан фойдаланиб ўз фикр-мулоҳазаларимни айтмоқчиман. Мен партия сафига содиқ, эътиқоди эўр кишиларнигина қабул қилишни таклиф этаман. Чунки партияга осонлик билан кириб олган баъзи кишилар уни осонлик билан тарк этаётгани каби воқеалар ҳам бўлиб туриб ди. Мана шу масалада жиддий ўйлаб кўриш керак.

Партия билетларини топшириш маросимида энг ёш партия аъзолари бўлган — шаҳар ҳокимияти физкультура ва спорт қўмитаси раиси Илҳомжон Обутжонов ва Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи Учқўрғон район қўмитаси котиби Олимжон Исматиллаев ўз фикрларини ҳаяжон билан изҳор этдилар.

Ҳозирги қийин шароитда ХДП барча масъулиятни ўз зиммасига оляпти, — дейишди улар. Шу боис ҳам Халқ демократик партияси сафига киришни лозим топдик. ХДП район кенгаши ҳамиша халқнинг дарди-ташвиши билан яшаб келмоқда. Биз ўз тақдиримизни шу партия тақдири билан боғлаганимиздан мамнунмиз.

Учқўрғон район партия кенгаши ўз сафига 2826 нафар партия аъзоларини бирлаштирган. Улар турли соҳаларда меҳнат қилмоқдалар. Партия сафлари янги ёш кучлар билан ўсиб бормоқда. Масалан, Учқўрғон ёғ-мой заводида илгари 52 нафар партия аъзоси бўлган эди, ҳозир эса уларнинг сони 64 нафарга етди. Партия ташкилоти тобора мустаҳкамланиб бораяпти. Бошқа хўжалик, ташкилот, маҳаллалардаги ҳудудий партия ташкилотлари ҳам халқ орасида ўзининг муносиб мавқеи ва обрўсига эга. М. М. Расулов мана шу ташкилотлар фаолияти билан танишар экан, улар ишидан қониқиш ҳосил қилди.

Сафар чоғида ХДП Марказий Кенгаши биринчи котиби М. М. Расуловга вилоят партия кенгаши биринчи котиби Б. Аҳадов, Учқўрғон район ва шаҳар ҳокимлари Х. Тожибоев ва И. Эргашевлар ҳамроҳлик қилдилар.

А. МАДАТОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

МАТБУОТ ХОДИМЛАРИНИНГ ВАЗИФАЛАРИ

Ўзбекистон Президенти девонида оммавий ахборот воситалари раҳбарлари иштирокида кенгаш бўлди. Йиғин қатнашчилари республика тараққиётининг ҳозирги босқичида газета, радио ва телевидение, бошқа матбуот органлари олдида турган вазифаларни муҳокама қилдилар. Улар матбуот мустақил давлатимизнинг ички ва ташқи сиёсатини, бозор иқтисодиётига ўтиш муаммоларини батафсил ва қизиқарли ёритиши, ҳаққоний сўзи билан меҳнаткашларни ҳозирги долзарб вазифаларни адо этишга сафарбар қилмоғи зарурлигини таъкидладилар. Учрашувда қалам аҳлининг моддий шароитини яхшилаш, уларни бугунги мураккаб шароитда ижтимоий жиҳатдан ҳимоя этиш масалаларига эътибор қаратилди.

Кенгашда Ўзбекистон Президентининг давлат маслаҳатчиси Б. Назаров, Президентнинг матбуот котиби Ш. Яҳёев қатнашдилар.

(ЎзА).

● ТОШКЕНТ

● Республика пойтахтининг бир гуруҳ оқсоқолларига ХДПга аъзолик билетларини топшириш маросими бўлди.

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгашининг биринчи котиби М. М. Расулов партия аъзоси бўлган отахон ва онахонларга партия билетларини тантанали равишда топшириб, уларни қалбдан табриклади. Сўнгра у ХДП Раиси, республика Президенти И. А. Каримов олиб бораётган ишлар ҳақида сўзлаб берди.

Шундан сўнг сўз олган Г. И. Скоробогатов, М. Т. Турсунов, Б. А. Қанпов ва бошқалар бутун куч-ғайрат ва тажрибаларини партия иши учун сарфлашга қарор қилганликлари, ўз ҳаётларини асло ХДПсиз тасаввур этаолмасликлари тўғрисида тўлқинланиб гапирдилар. Мулоқот пайтида партия аъзолари ўз фикр ва мулоҳазалари ва таклифлари билан ўртоқлашдилар, маслаҳатлар бердилар.

Партия билетларини топширишда Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши котиби, Тошкент шаҳар партия кенгашининг биринчи котиби Х. М. Абдураимов қатнашди.

А. РУЗИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ЭЛ ДАСТУРХОНИГА

Ширин-шакар ноз-неъматлар етказиб беришда Тошкент вилояти Зангиота районидаги Акмал Икромов номли жамоа хўжалиги деҳқонларининг ҳиссаси катта бўлаяпти. Суратларда: 1. 6-бригада бошлиғи Мирвоиз Маъдиев (чапда) ва хўжалик бош агрономи Нажмиддин Хўжаев шаҳарликлар дастурхонига жўнатилаётган помидор сифатини кўздан кечиришяпти. 2. Ҳасанбой Шерматов оиласи пудрат асосида ишлаяпти. Ҳозир картошка ҳосилидан бўшаган ерларга кечки карам экиляпти. 3. Инобат Мирзаева олти нафар фарзандни тарбиялаб вояга етказган меҳрибон она. Боғдорчилик бригадасида унинг номини ҳурмат билан тилга олишади.

Н. МУҲАММАДЖОНОВ
олган суратлар.



• Ўзбекистон Республикасининг Қонуни

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ДИПЛОМАТИЯ ХОДИМЛАРИ УЧУН ДИПЛОМАТИЯ ДАРАЖА ВА МАРТАБАЛАРИНИ БЕЛГИЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ушбу Қонун «Дипломатия муносабатлари тўғрисида»ги 1961 йилги Вена Конвенцияси ҳамда халқаро ҳуқуқ нормалари ва қоидаларига мувофиқ Ўзбекистон Республикасининг дипломатия ходимлари учун дипломатия даражалари ва мартабаларини белгилаб беради.

1-модда.

Ўзбекистон Республикасида Ўзбекистон Республикаси дипломатия ваколатхоналари бошлиқларининг 3 даражаси белгиланади:

чет давлат бошлиғи ҳузурида аккредитация қилинадиган Фавқулодда ва Мухтор Элчи;

чет давлат бошлиғи ҳузурида аккредитация қилинадиган Фавқулодда ва Мухтор Вакил;

чет давлат Ташқи ишлар вазири ҳузурида аккредитация қилинадиган Ишончли Вакил.

Ўзбекистон Республикаси ваколатхоналарининг бошлиқлари мансуб бўлиши лойиқ кўрилган даража дипломатия муносабатлари ўрнатаётган давлатлар ўртасидаги аҳдлашувда белгилаб қўйилади.

2-модда.

Ўзбекистон Республикасида қуйидаги дипломатия мартабалари — Ўзбекистон Республикасининг чет давлатлардаги ваколатхоналари дипломатия ходимларига бериладиган алоҳида хизмат унвонлари белгиланади:

Фавқулодда ва Мухтор Элчи;

Биринчи даражали Фавқулодда ва Мухтор Вакил;

Иккинчи даражали Фавқулодда ва Мухтор Вакил;

Биринчи даражали маслаҳатчи;

Иккинчи даражали маслаҳатчи;

Биринчи даражали биринчи котиб;

Иккинчи даражали биринчи котиб;

Биринчи даражали иккинчи котиб;

Иккинчи даражали иккинчи котиб;

Учинчи котиб;

Атташе.

3-модда.

Фавқулодда ва Мухтор Элчи, биринчи ва иккинчи даражали Фавқулодда ва Мухтор Вакил мартабалари Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари билан берилади.

Ана шу масалалар юзасидан таклифларни Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазири киритади.

Бошқа дипломатия мартабалари Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирининг буйруғи билан берилади.

Бу мартабаларни бериш ҳақидаги таклифларни Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг малака комиссияси киритади.

Малака комиссиясининг таркиби ва у ҳақдаги низомни Ўзбекистон Республикасининг Ташқи ишлар вазири тасдиқлайди.

Дипломатия мартабалари Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг раҳбар ва масъул ходимларига ҳам берилиши мумкин.

4-модда.

Бирламчи дипломатия мартабаси — атташе дипломатия хизматида камида бир йил ишлаган кишига берилади.

Дипломатия ваколатхоналарининг ходимларига навбатдаги учинчи котиб, иккинчи котиб мартабалари малакасига ҳамда хоҳ марказий девонда, хоҳ Ўзбекистон Республикасининг чет эллардаги ваколатхоналарида камида 2—3 йил, биринчи котиб, маслаҳатчи мартабалари эса камида 3—4 йил хизматни муваффақиятли ўтаганлигига қараб берилади.

Ишдаги катта ютуқлари учун дипломатия ваколатхонасининг ходими белгиланган муддатдан олдин юқорироқ дипломатия мартабаси беришга тавсия этилиши мумкин.

5-модда.

Фавқулодда ва Мухтор Элчи, Фавқулодда ва Мухтор Вакил мартабалари бир умрга берилади.

Бошқа дипломатия мартабасига эга бўлган шахслар Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги тизимидан пенсияга чиққанлари тақдирда уларнинг бу мартабалари сақланиб қолади.

6-модда.

Фавқулодда ва Мухтор Элчи, Фавқулодда ва Мухтор Вакил дипломатия мартабаларидан Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг тақдимномасига биноан Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари билан маҳрум этилади.

Дипломатия ваколатхоналарининг бошқа аъзолари хусусида бу масала юзасидан қарорни Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг малака комиссияси тақдимига кўра Ташқи ишлар вазири қабул қилади.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти
И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1992 йил 3 июль.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг қарори

«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ДИПЛОМАТИЯ ХОДИМЛАРИ УЧУН ДИПЛОМАТИЯ ДАРАЖА ВА МАРТАБАЛАРИНИ БЕЛГИЛАШ ТЎҒРИСИДА»ГИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУНИНИ АМАЛГА КИРИТИШ ҲАҚИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши қарор қилади:

1. «Ўзбекистон Республикасининг Дипломатия ходимлари учун дипломатия даража ва мартабаларини белгилаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни матбуотда эълон қилиниши билан амалга киритилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси Ўзбекистон Республикасининг дипломатия мартабалари учун мансаб окладларига устама ҳақларни белгиласин.

3. Ўзбекистон Республикаси фуқароларига собиқ СССРнинг қонунларига мувофиқ берилган дипломатия даражалари Ўзбекистон Республикаси дипломатия даражаларига тенглаштирилган деб ҳисоблансин.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Раиси
Ш. ЯЎЛДОШЕВ.

Тошкент шаҳри,
1992 йил 3 июль.

• *ХДП: одамлар орасида*

МУСТАҲКАМ ТАЯНЧ

Сурхондарё вилоятининг Ленин йўли райони истиқболга юз тутган, қишлоқ хўжалиги билан бир қаторда халқ хўжалигининг муайян соҳалари ривожланиб бораётган районлардан бири. Чўл, қақраб ётган майдонлардан иборат бўлган бу районнинг айрим ҳудудларига илгари инсон қадами етмаган эди. 1973 йилларда район ташкил этилдию, уни ўзлаштиришга қалб амри, дил меҳри билан одамлар оқиб кела бошлади. Кимдир уй қурди, бошқа биров нўчат ўтказиб, боғ яратди. Бу ишларнинг тепасида ўша даврнинг марди-майдон кишилари: колхозчилар, боғбонлар, қурувчилар, қўйингки, кўпгина соҳа кишиларидан иборат бўлган коммунистлар туришди. Уларнинг кўпчилиги ҳозир роҳат-фароғатда яшамоқдалар. Оиласи бағрида, фарзандлари даврасида кексалик гаштини сурмоқдалар. Йиллар ўз ҳукмини ўтказган, тик қадлари ҳиёл эгилган бўлсада, улардаги инсофу-диёнат, меҳру-садоқат ўша-ўша. Шунинг учун бу фидоий кишилар партия сафларини ташлаб кетишгани йўқ. Аксинча, биринчи бўлиб Ўзбекистон Халқ демократик партиясига аъзо бўлишди. Ўзларининг бой амалий тажрибалари, маслаҳат ва қатъий фикрлари билан партия сафларини мустаҳкамлашга, партиянинг ёш аъзоларига йўл-йўриқлар кўрсатишга эришмоқдалар.

— Партия фахрийлари мустаҳкам таянчимиз, — дейди Ўзбекистон Халқ демократик партияси Ленин йўли район кенгашининг иккинчи котиби Чори Алимов биз билан суҳбатда. — Фидоий, эл орасида эъзоз топган бундай кишилар билан ҳар қанча фахрланса арзийди.

Йўғон чўзиладиган, ингичка узиладиган ҳозирги кунларда фахрийларимиздаги сабру тоқат, матонат ишларимизнинг юришишига омил бўлмоқда.

Район кенгаши пиру бадавлат бу отахонларга алоҳида иззат-икром кўрсатиб келмоқда. Улар билан бамаслаҳат иш олиб бораяпти. Яқинда райондаги партия фахрийларининг қалблари яна чексиз қувончларга тўлди. Уларга Ўзбекистон Халқ демократик партиясига аъзолик билети биринчи бўлиб топширилди. Бундай шарафга эришганлар орасида райондаги партия фахрийлари: Мисир Ҳазратқулов, Алибой Менглиев, Дўстёрбобо Умиров каби 15 нафар отахонлар бор. Ўзбекистон Халқ демократик партияси район кенгашининг қарорига мувофиқ уларга партия билетлари бепул топширилди. Райондаги фаол партия аъзоларининг 45 нафари ҳам аъзолик билетига эга бўлишди.

Р. АҲМАДАЛИЕВ,
«Ўзбекистон овози» махсус мухбири.

● **Янгийўл консерва заводида 50 турга яқин маҳсулот ишлаб чиқарилади. Шу йилнинг олти ойи мобайнида 16 миллион 273 минг банка маҳсулотлари тайёрланди. Бу эса белгиланганидан анча кўп.**

Корхона меҳнат аҳлига алоҳида ғамхўрлик кўрсатиляпти. Ўртача иш ҳақи 2500 сўмни ташкил этяпти. Завод қарамоғидаги болалар боғчаси ҳаражатининг 90 фоизини корхона ўз ҳисобидан тўлайди.

Суратда: кимёгар-лаборант Феруза Хамзина тайёрланган маҳсулотларни кўрсатмоқда.

Ф. ҚУРБОНБОЕВ олган сурат (ЎзА).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИДА

● **18 июль куни Вазирлар Маҳкамасида давлат мулкини бошқариш ва хусусийлаштириш комитети, ҳокимиятлар, вазирликлар, идоралар, концернлар, хусусийлаштириш ва давлат тасарруфидан чиқариш масалалари билан шуғулланувчи республика уюшмалари раҳбарлари иштирокида кенгаш бўлиб ўтди.**

Кенгашни Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А. Н. Возненко бошқарди.

Бош вазир ўринбосари А. Н. Возненко республикада мол-мулкни хусусийлаштириш жараёнини таъминлаш учун қонуний ва ташкилий-тузилма негизини тайёрлаш юзасидан қилинган ишлар тўғрисидаги масалаларга қисқача тўхталди. Ў ўз нутқида республикада тузилган давлат мол-мулкини бошқариш ва хусусийлаштириш комитети бу жараённи тартибга солишга ҳар томонлама ёрдам беришини таъкидлади. Бу комитет зиммасига давлат мол-мулкининг эгаси ваколатлари юклатилган. А. Н. Возненко шу комитет ҳамда унинг вилоятлардаги ҳудудий бошқармалари зиммасига юклатилган вазифаларга батафсил тўхталди.

Ўзбекистон Республикаси давлат мол-мулкини бошқариш ва хусусийлаштириш комитети раисининг биринчи ўрнбосари Ш. Р. Ғафуров 1992-1993 йилларда мол-мулкни давлат ихтиёридан чиқариш ва хусусийлаштириш соҳасидаги биринчи навбатда амалга ошириладиган чора-тадбирлар ҳақида сўзлаб берди. У ишлаб чиқилган меъёрий ҳужжатлар лойиҳаларининг асосий қоидаларини баён қилди. Бу ҳужжатлар хусусийлаштириш учун ариза беришдан бошлаб мол-мулкни давлат ихтиёридан чиқариш ва мулкка эгалик қилиш ҳуқуқини тасдиқлайдиган ордер беришгача давлат мол-мулки иншоотларини мулкчиликнинг бошқа шаклларига айлантириш тартибини белгилаб беради.

Давлат мол-мулкини бошқариш ва хусусийлаштириш комитети Тошкент шаҳар ҳокимияти билан биргаликда шу шаҳардаги уй-жойларни хусусийлаштириш тўғрисидаги Низомни тайёрлаш юзасидан муайян ишларни амалга оширди, тажриба тариқасида машинасозлик ва радиоэлектрон саноатининг бир қанча корхоналарини давлат ихтиёридан чиқариш ва хусусийлаштиришга доир ҳужжатлар тайёрланмоқда. «Ўзбексавдо» давлат акционерлик уюшмаси ҳамда Ўзбекистон маиший хизмат уюшмаси билан биргаликда давлат савдоси ва маиший хизмат кўрсатиш иншоотларини хусусийлаштириш дастури тайёрланмоқда. Қурилиш вазирлиги, Тошкент қурилиши Бош бошқармаси ҳамда Монтаж ва махсус қурилиш ишлари вазирлиги мол-мулкни давлат ихтиёридан чиқариш, хусусийлаштириш соҳасида анча иш қилганлиги таъкидланди.

Маҳаллий саноат вазирлиги давлат мол-мулкини бошқариш ва хусусийлаштириш комитети билан биргаликда биринчилардан бўлиб корхоналарни давлат ихтиёридан чиқариш ва хусусийлаштиришга доир асосий қоидаларни ишлаб чиқди.

Ш. Р. Ғафуров 1992—1993 йилларда республика ва коммунал мол-мулкни давлат ихтиёридан чиқариш ва хусусийлаштириш давлат дастурини қисқа муддатда тайёрлаш ҳамда бу жараённи амалга ошириш чоғида корхоналар ва ташкилотларнинг молиявий аҳволига қараб, улар меҳнат жамоаларининг шу жараёнга тайёрлигини ва бошқа бир қанча омилларни ҳисобга олиб, устивор йўналишларни белгилаш зарурлигига батафсил тўхталди.

Монтаж ва махсус қурилиш ишлари вазирлигига қарашли корхоналарда мол-мулкни давлат ихтиёридан чиқариш ва хусусийлаштириш масалалари хусусида олиб борилаётган тайёргарлик ишлари тўғрисидаги вазир П. Н. Нўъмонов, енгил саноат корхоналари давлат уюшмаларига қарашли корхоналарда шу соҳада олиб борилаётган тайёргарлик ишлари ҳақида уюшма раиси Ў. Қ. Исмоилов сўзладилар.

Концернлар, вазирликлар, идоралар, уюшмалар, ҳокимиятлар вакилларига бир қанча саволлар берилди, ҳамда мол-мулкни давлат ихтиёридан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёни ривожланишини тартибга солишга доир таклифлар ва тавсиялар айтилди.

Бош вазир ўринбосари А. Н. Возненко кенгаш ишининг охирида унга якун ясади ва қуйидаги қарор қабул қилинди:

Вазирликлар, идоралар, концернлар ва уюшмаларда ўз тармоғи доирасида 1992-1993 йилларда давлат ихтиёридан чиқариш ва хусусийлаштириш давлат дастурига киритиш тавсия этилган иншоотлар, айниқса кам рентабелли ва зарар келтирувчи корхоналар рўйхатидаги иншоотлар юзасидан аниқ таклифларни ишлаб чиқишга доир барча тайёргарлик ишларини амалга оширадиган доимий ишлайдиган гуруҳлар тузилсин. Бу таклифларда ана шундай корхоналарни ўзгартиришга, шу жумладан уларни корхона зарарларини қоплаб, унн иш бошлашнинг янги шароитига олиб чиқишига имкон берадиган очиқ акционерлашга доир андозалар ишлаб чиқилсин;

Вазирликларга, идораларга, концернларга, уюшмаларга, вилоятлар ва Тошкент шаҳрининг ҳокимиятларига давлат мол-мулки иншоотларини давлат ихтиёридан чиқаришга ва хусусийлаштиришга доир меъёрий ҳужжатларнинг лойиҳаларига ўз мулоҳазалари ва таклифларини бир ҳафта ичида кўриб чиқиб, уларни давлат мол-мулкини бошқариш ва хусусийлаштириш комитетига тақдим этиш топширилди.

Давлат мол-мулкини бошқариш ва хусусийлаштириш ҳудудий бошқармаларининг алоҳида аҳамияти таъкидланди, уларнинг зиммасига вилоятларда, районларда, шаҳарларда давлат мулкини давлат ихтиёридан чиқариш ва хусусийлаштириш снёсатини ўтказиш вазифаси юклатилади.

«Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни кучга киргунга қадар ва кучга киргандан кейин мулкчилик шаклини ўзгартирган барча давлат корхоналари мол-мулкка эгалик қилиш ҳуқуқини тасдиқлайдиган ҳужжатларни давлат мол-мулкини бошқариш ва хусусийлаштириш комитетида ҳамда унинг ҳудудий бошқармаларида қайта расмийлаштириш лозимлиги белгилаб қўйилди.

• *Президент Фармони—эл дармони*

ОДАМЛАР ҲАҚИДА ҒАМХЎРЛИК

Хўжаликлараро молларни бўрдоқига боқиш корхонасини Ғиждувон районида мойли корхона, деб бежиз айтишмайди. Дарҳақиқат, ҳозирги кунда хўжалик ҳазинасида миллион сўмдан ортиқ маблағ бор. Ёр, албатта, жамоанинг баракали меҳнати эвазига келган. Корхона раҳбари Ўрин Тешаев билан суҳбатимиз тезгина қўр олди.

— Бундан бир неча йил олдин ҳам корхонамиз районда етиштириладиган гўштнинг катта қисмини берарди, — сўз бошлади у. — Саксоннчи йилларнинг охирига келиб айрим мутахассисларнинг гапи билан корхона «Меҳнатобод» давлат хўжалигига бирлаштирилди. Оқибатда ем-хашак етиштириладиган ерлар эътиборсиз қолди. Фондда кўрсатилган озуқа олинмади. Шунинг эвазига гўшт етиштириш ҳажми камайиб кетди. 1990 йилга келиб, бу хато тузатилди. Корхонага яна қайта асос солинди.

Ҳа, корхонага ўша йили Ўрин ака раҳбар этиб сайланди. Тадбиркор, суяги чорвачиликда қотган бу одам хўжаликнинг шуҳратини қайта тиклашга бутун кучини сарфлади. Йил ўтган сайин хўжалик қаддини рослаб борди. Гўшт етиштириш, қўшимча вазн олиш режалари ортиғи билан бажарилди.

Шу йилнинг беш ойида 53 тонна ўрнига 67,4 тонна гўшт етиштирилиб, сотилди. 30 тонна ўрнига 42 тонна қўшимча вазн олинди. Шулар эвазига 200 минг сўмдан зиёд соф фойда кўрилди. Бу кўзланганидан 75 минг сўм кўп.

Жорий йилда давлатга 159 тонна гўшт сотиш, 125 тонна қўшимча вазн эгаси бўлиш ва ана шу ҳисобдан 4 миллион 530 минг сўмлик маҳсулот реализация қилиш режалаштирилган. Ҳозирча маҳсулот сотишдан 320 минг сўм соф фойда олиш кўзланяпти.

Хўш, бунинг учун замин ҳозирланганми? Айни чоғда хўжаликда 842 бош қорамол, 520 бош қўй бўрдоқига боқилмоқда. Сўқимга боқилаётган молларни парваришлаш учун 173 гектар ерга озуқабоп экинлар экилган. 72 гектар ерга экилган рождан 751,2 тонна маҳсулот олинди. Шундан 420 тонна сенаж бостирилди. Қолгани молларга едирилди. 75 гектар майдондаги бедадан биринчи ва иккинчи ўримдаёқ режадагидан анча зиёд ҳосил олинди. Бунда Омон Раҳмонов, Давлат Узоқов, Файзулла Сайфуллаев, Аҳад Дилов, Одил Каримов сингари ишчилар ҳиссаси катта бўлди.

Корхонада ҳаражат қилинаётган бир сўм эвазига уч сўмлик самара кўриш учун меҳнат беллашуви авжида. Шукур Иброҳимов, Сами Ҳотамов, Ўктам Узоқов, Жўрақул Ражабов, Наби Ҳайдаров сингари бўрдоқибоқарлар ғайрати бунга мисол.

Корхона маъмурияти жумҳурият Президенти Фармонлари ижросини таъминлаяпти. Ишчиларга ғамхўрликни кун тартибидаги биринчи масала, деб билмоқда. Бултур ҳар бир ишчига 200 килограммдан дон берилди. Жорий йилда 72 гектар майдонда буғдой етиштирилди. Мавсум охирида одамларга 300 килограммдан ғалла бериш мўлжалланмоқда.

Йил охиригача ишчиларнинг моллари учун 85 тонна беда, йигирма тонна ширали озуқа, ўттиз тонна шелуха сотиш режалаштирилган. Ҳар ойда бир ишчига икки килограммдан гўшт (ишлаб чиқариш нархи билан) сотилмоқда. Йил бўйи бепул иссиқ овқат йўлга қўйилган.

Д. БАҲРОНОВ.

• МУСТАҚИЛЛИК ОДИМЛАРИ

ТУРКИЯЛИК ТИЛШУНОСЛАР ДИЁРИМИЗДА

Туркия Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги мамлакатлари бўйича бош директори, фавқулодда элчи Билол Шимшир бошчилигидаги Туркия жумҳуриятининг бир гуруҳ тилшунослари Ўзбекистонда меҳмон бўлиб турибди. Делегация сафида турк тили қурими аъзоси, профессор Ҳамза Зулфиқор, Анқара университетининг доценти Сема Барутчи бор.

21 июль куни Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Э. Саманд аров меҳмонларни қабул қилди. Самимий суҳбат чоғида уларга республикада Ўзбекистон истиқлолининг бир йиллик тўйини, Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатлари кинофестивалини ҳамда Нодирабегимнинг 250 йиллик таваллудини нишонлаш юзасидан кўрилаётган тадбирлар тўғрисида сўз борди.

Меҳмонлар республика Фанлар академиясида, Тошкент давлат университетида, Жаҳон тиллари университети ва Шарқшунослик институтида, қўлёзмалар фондида бўладилар, кўҳна Самарқандни зиёрат қиладилар.

(ЎзА).

ЎЗБЕКИСТОН—КОРЕЯ ЖАМИЯТИ

Мустақил Ўзбекистон Республикасининг Жанубий Корея билан дўстлик алоқалари тобора мазмунли бўлиб боряпти. Айниқса республикамиз Президенти И. А. Каримовнинг бу мамлакатга дўстлик сафари кенг истиқболлар очиб бермоқда.

Асака шаҳрида автомобиль корхонаси бунёд этиш учун дўстларимиз жонбозлик билан ҳаракатни бошлаб юборишди. Тошкентда «Самсунг» фирмаси катта кўргазмаси намойиш этилганлиги ва бир қатор иқтисодий ҳамкорлик алоқалари бошланаётганлиги фикримизнинг далилидир.

Кеча Тошкентда Ўзбекистон — Корея иқтисодий ва маданий ҳамкорлигига кўмаклашувчи жамият тузилгани ҳам айни муддао бўлди. Диёримизда корейс миллатига мансуб минглаб кишилар истиқомат қилаётганлиги бу жамият тузилишида ўзига хос аҳамият касб этди. Ҳозирги пайтда республикамиз олий ўқув юртларида корес тили ўқитилмоқда, олисдаги мамлакатдан кўплаб мутахассислар келиб, ўзбек ҳамкасблари билан ҳамкорликда иш олиб боришмоқда.

Бундан ташқари «Жанубий Корея — Ўзбекистон» жамияти тузилиб, фаолиятини бошлаб юборди. Шунингдек, Ўзбекистон халқаро алоқалар миллий уюшмаси Корея билан яхши муносабатлар ўрнатган.

Янги жамиятга республикамизнинг йирик корхоналари, хўжаликлари, бирлашмалари, уюшмалари, мактаблари аъзо бўлиб кирдилар.

Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий алоқалар вазири ўринбосари С. Сафоев йиғилишда янги жамият бошқаруви раиси этиб сайланди.

А. ҲОЖИАКБАРОВ.

ИҚТИСОДИЁТ ЯНГИЛИКЛАРИ

ИСТЕЪМОЛ БУЮМЛАРИ КЎПАЯДИ

● **Андижон район саноат комбинатида халқ истеъмоли буюмлари ишлаб чиқаришга алоҳида эътибор берилаётир. Ҳозир бу ерда 90 турдаги кенг истеъмол моллари тайёрланиб, савдо шохобчаларига жўнатилаяпти.**

Корхонада асосан миллий оёқ кийимлари, трикотаж ва тўқув-тикув маҳсулотлари ишлаб чиқарилмоқда. Тери ва жунни қайта ишлаш цехлари ҳам фаолият кўрсатяпти. Тайёр маҳсулотнинг катта қисми район ҳудудида сотилаяпти. Бир қисми эса қўшни республикаларга мол айирбошлаш усули билан юборилиб, эвазига қурилиш материаллари олинмоқда.

Яқин вақт ичида комбинат қошида ғишт заводи, тегирмон ва мойжувоз қуриш кўзда тутиляпти. Йилига 100 тонна жунни қайта ишлайдиган Туркия-Ўзбекистон қўшма корхонаси барпо этиш ҳам мўлжалланмоқда.

Ш. КЕЛДИЕВ.

ЗАМОНАВИЙ АЛОҚА УСКУНАЛАРИ

● **Жумҳурият Алоқа вазирлигига қарашли ихтисослашган лойиҳа-конструкторлик бюросида алоқа корхоналари учун ностандарт ускуналарнинг замонавий нусхалари яратилди. Бундан ташқари алоқа тармоқларига зарур бўлган эҳтиёт қисмлар тайёрлаш ҳам йўлга қўйилди.**

Ҳозир конструкторлик бюросида яратилган замонавий технология ва техника ускуналари МДҲ алоқачилари томонидан кенг қўлланилмоқда. Масалан, «ПАП» аппаратураси шаҳарлараро телефон алоқасида қулай хизмат кўрсатиш имконини яратди. Бугунга келиб Санкт-Петербург, Тула, Олма-ота, Тошкент шаҳрида ва республикамиз вилоятларида бу ускуналардан самарали фойдаланилмоқда.

Лойиҳа-конструкторлик бюроси мутахассислари ҳозир таксофонлар учун тастатур номер терувчи ускуна устида бош қотиришяпти. Унинг тахминий баҳоси 350-400 сўм бўлади.

У. МУҲАМЕДОВ.

ЯНГИ КАСБЛАР

● **Андижон иқтисод ва бошқарув институтида эндиликда бакалавр—менежер касбини эгаллаши мумкин.**

Бундай ихтисослашишни ҳаётнинг ўзи талаб қилди: Фарғона водийсидаги вилоятларда тафаккури таҳлилга мойил, замонавий менежмент, иқтисодиёт муаммоларини биладиган уқувли иш бошқарувчиларга талаб ортиб бормоқда.

Лекциялардан ташқари таълим дастурида амалий ўйинлар, якка тартибдаги машғулотлар, корхоналарда, хўжаликларда, ташкилотларда тажриба ўтказиш кўзда тутилган. Бакалавр амалий мулоқотнинг новик жиҳатларини яхши билиши, иқтисодий вазиятни тўғри таҳлил эта олиши, иқтисодий билимлари доираси кенг бўлиши керак.

(ЎзА).

Республика бўйлаб

МИЛЛИЙ МАРКАЗ ОЧИЛДИ

● **Асака районидаги «Правда Востока» жамоа хўжалиги қишлоқларида минглаб уйғурлар яшайди. Бу ерда уйғур миллий маркази очилди.**

Халқлар ўртасида дўстликни мустаҳкамлаш, миллий қадриятларни тиклаш, Хитой Халқ Республикаси Шинжонг—Уйғур Мухтор райони билан иқтисодий ва маданий алоқаларни кенгайтириш, ёшларга уйғур тилини ўргатиш марказ фаолиятининг асосий мазмуни бўлади.

МУКОФОТЛАР ТАЪСИС ЭТИЛДИ

● **Балиқчи райони ҳокимлиги қишлоқ хўжалиги ва чорвачиликни ривожлантириш, меҳнат унумдорлигини ошириш мақсадида йиллик мукофотлар таъсис этди.**

Пахта тайёрлаш режасини районда биринчи бўлиб бажарган жамоа хўжалиги 10 минг сўм олади. Машинада ва қўлда энг кўп пахта терган илғорлар алоҳида тақдирланади. Аҳолига йил бўйи намунали хизмат кўрсатган ташкилотлар, шунингдек илғор ўқитувчилар, шифокорлар, милиция ходимларига ҳам мукофот берилади.

ЯНГИ БЎЛИМ ТАШКИЛ ЭТИЛДИ

● **Фарғона вилоят ички ишлар бошқармасида аҳлоқ ва одоб қондалари бузилишининг олдини олиш билан шуғулланувчи бўлим ташкил этилди.**

Бўлим фирибгар табиблар, экиш тақиқланган ўсимликларни етиштирувчилар, хорижий давлатларда тайёрланган ҳамда фаҳш ва беҳаёлик, шафқатсизлик ва зўравонликни акс эттирадиган фильмларни тарғиб қилувчиларга қарши кураш олиб боради. Вилоятдаги бошқа шаҳар ва районларда ҳам шундай бўлимлар очилмоқда.

ТАҲСИНГА САЗОВОР МУРУВВАТ

● **Навоийлик нафақахўр Е. А. Пановага Тинчлик фонди медали ва Анатолий Карпов имзо чеккан гуҳоҳнома топширилди.**

Мана 13 йилдирки, Екатерина Алексеевна Тинчлик фонди ҳисобига ҳар ойда ўз нафақасидан 5 сўмдан ўтказди.

ЎзА мухбирлари.

• *Газета—газетхон:*

ЖИДДИЙ ЭЪТИБОР БЕРИЛСА...

Маълумки, оммавий ахборот воситаларини чоп этиш учун зарур бўлган қоғоз, полиграфия ва алоқа хизматининг бир неча баробар ошиб кетганлиги рўзнома ва ойномаларга қайта обуна ўтказиш заруратини келтириб чиқарди.

Обуна нархининг қимматлиги туфайли дастлабки пайтда обуначилар сони кескин тушиб кетди. Бироқ бироз муддат ўтгач, одамлар рўзнома ва ойномаларсиз яшаш мумкин эмаслигини тушунишяпти. Бироқ, улар ўзларига керакли рўзнома ва ойномаларни топишолмаяпти. Таҳририятга келаётган хатларнинг аксариятида шу муаммо ўз аксини топган.

— **Ҳурматли таҳририят!** — деб ёзади **пойтахтлик профессор Б. Ганнев.** — **Кейинги пайтларда бўлаётган воқеалар бизни жуда ҳайратлантирмоқда. Гап шундаки, Ўзбекистон аҳолисининг кўпчилиги «Ўзбекистон овози» рўзномасини ўқишга ўрганиб қолган. Аммо негадир сўнгги кунларда уни дўконлардан топиб бўлмаяпти.**

Сотувчиларга учрашсак, рўзнома бугун чиқмаган, дейишади. Сурриштирсак чиққан бўлади. Биргина мисол. Куни кеча рўзноманинг 17-июлда чиққан сони зарур бўлиб қолди. Эрталаб туриб шаҳримиздаги жуда кўп дўконларни айланиб чиқдим. Лекин бирортасидан «Ўзбекистон овози»ни топа олмадим. Дўконларни айланиш пайтида билишимча жуда кўпчилик «Ўзбекистон овози» рўзномасини топиша олмаётган экан. Наҳотки севимли нашримизни бундан буён ўз вақтида олмаймиз.

Бундай мактублар жуда кўпчиликни ташкил қилади. Бундан ташқари алоқа бўлимлари ходимлари одамларни рўзномага очиқдан очиқ обуна қилишдан бош тортишаётгани ҳақида ҳам хабарлар талайгина.

Рўзнома ва ойномаларнинг нархи ошган бўлсада уларга ҳамон талаб катта. Муштарийлар ўзлари учун зарур бўлган маълумотларни, маънавий озуқани, ҳаётий йўл-йўриқларни айнан рўзномалардан оладилар. Аҳолини мана шу маънавий неъматдан бебаҳра қилиш яхши эмас. Алоқа вазирлигидаги мутасадди ўртоқлар бунга жиддий эътибор бериб, одамларнинг сарсон бўлишларига йўл қўймайдилар деб умид қиламиз.



Республикамиз мустақиллигини мустаҳкамлаш кўп жиҳатдан истеъдодли ишбилармонларга боғлиқ. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон агротижорат институтида ёш мутахассисларни тайёлашга катта эътибор берилаётир. Яқинда билимгоҳни бир гуруҳ тижоратчи-менежерлар битириб чиқишди.

СУРАТДА: институт ректори Р. Турсунов (ўртада) битирувчиларни самимий қутламоқда.

А. МАЛЬЦЕВ олган сурат.

ХУШХАБАРЛАР

ХИРМОНГА БАРАКА

● Жарқўрғон райони ғаллакорлари режадагидан 50 фоиз кўп — 2630 тонна буғдой топширдилар. Н. Боймуродов номидаги жамоа хўжалиги аъзолари суғориладиган ерларда гектар бошига 40 центнердан ҳосил кўтармоқда.

БИТТАСИ ҲАМ ЕТАДИ

● Қўриқ Гагарин районидаги «Искра» давлат шоличилик хўжалигида Амударёдан сув 15 та вақтинчалик насос станцияси ёрдамида чиқарилар эди. Энди ҳар ишини битта «МК-6» агрегати бажарадиган бўлди. Уни қуриш учун 8 миллион сўм сарфланади. Секундига бир куб метр сув чиқариб берадиган янги станция электр қуввати билан ишлайди.

(ЎзА).

• ТАДБИРКОРЛАР БОР БЎЛСИН

ИШ УСТАСИДАН ҚЎРҚАДИ

АРНАСОЙ РАЙОН МАҲАЛЛИЙ САНОАТ КОМБИНАТИ ИККИ ЙИЛДА ВИЛОЯТДАГИ ЭНГ ТАДБИРКОР ЖАМОАГА АЙЛАНДИ

● Маҳаллий саноат бошқармаси жамоалари орасида энг кенжа бу комбинат 1990 йилнинг август ойида ташкил этилганди. Ўша йилиёқ қўриқ район чўлқуварлари қандолатчиликнинг 6 хил маҳсулотидан баҳраманд бўла бошладилар. Кўп ўтмай хўжаликларда кўрпа-ёстиқ жилдлари, парда, кўйлак тикадиган касаначилар иш бошлашди.

Шугина эмас, Тошкент мотор заводидан атиги 5 минг сўмга сотиб олинган балиқ дудлаш цехи жиҳозлари кунига 200 килограммдан маҳсулот тайёрлай бошлади. Балиқ эса арнасойликлар ибораси билан айтганда, комбинат учун «деҳқончилик». Аниқроғи, цехга балиқ узоқ бўлмаган кўлдан — балиқчилик хўжалигидан келиштирилади. Шундай пайтларда ишлаб чиқарувчилар катта миқдорда зарар кўрадилар.

Яқин атрофдаги хўжаликлар раҳбарлари, мутахассислар билан суҳбатлашган комбинат директори Ҳасан Ҳожиев қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлайдиган корхона очишга қарор қилди. Челябинск вилоятининг Златоуст шаҳридаган нархда олинади, қайта ишланади. Шу боис дудланган балиқнинг сифати ҳам, нархи ҳам кўпчиликни қаноатлантирадиган даражада.

Маълумки, ишчи кучи нисбатан кам бўлган боғдорчилик-узумчилик хўжалигида ҳосил айни пишиб—етилган пайтда унинг бир қисми нобуд бўлади. Чунки яқин жойда қайта ишловчи корхоналар йўқлиги оқибатида мева ва ҳатто сабзавотни ҳам қўшни районларга ташишга тўғри келади. Баъзан зарур техника бўлмаслиги, айрим пайтлари заводлардаги қабул қилувчиларнинг инжиқликлари туфайли маҳсулот туриб қоги машинасозлик ишлаб чиқариш бирлашмаси билан келишиб, ўтган йили бир йўла 3 та линия ишга туширилади. Бунинг учун Гречко номли боғдорчилик давлат хўжалигининг ташландиқ ҳолга келиб қолган омборхонаси ижарага олинди, таъмирланди.

Машинасозларга олма, ерёнғоқ, балиқ бериш ҳақида шартнома тузилди. Барча ишлар бажарилиб бўлгач, мева шарбати, мева ва сабзавот консервалари, мураббо тайёрлайдиган бутун заводнинг нархи 200 минг сўмни ташкил этди. Агар шу пулга ҳозирги нархда мева-сабзавот, дудланган балиқ берилиши ҳисобга олинадиган бўлса, тадбиркорларнинг нечоғли уддабуронлик, ҳозиржавоблик қилганлиги англаш қийин эмас.

— Ҳар бир линиянинг кунлик ишлаб чиқариш қуввати 700 шартли банкани ташкил этади, — дейди директор Ҳасан Ҳожиев. — Мавсум пайтида иш икки сменада ташкил этилади. Бир пайтнинг ўзида 30 кишини иш билан таъминлаш, райондаги барча хўжаликларнинг ортиқча мева-сабзавотларини қайта ишлашимиз мумкин.

Яқинда маҳаллий саноат комбинатида жувоз ишга туширилди. Керамзитдан ғишт тайёрлаш, дурадгорлик цехлари очилди. Кемерово вилоятидан 1200 куб метр ёғоч келтириш кўзда тутилянти. Энг муҳими, комбинат раҳбарияти жамоа аъзоларини, яқин-атрофдаги аҳолини йил давомида иш билан таъминлаш ҳақида ғамхўрлик қилмоқда.

— Ю. Фучик номли давлат хўжалигидан 5 гектар ер олиб, помидор, бодринг, қалампир каби экинлар экдик, — дейди звено бошлиғи Маҳмуд Муталибов. — Бу эса цехларимизнинг мунтазам ишлашини таъминлашда, маҳсулот сифатини яхшилаб, таннархини пасайтиришда муҳим аҳамиятга эга.

Бу йил комбинат жами 3 миллион сўмликдан зиёд маҳсулот ишлаб чиқаришни режалаштирган. Консерва цехи бошлиғи Ҳайдар Ризаев, қандолатчи Ғайбулла Раҳматов, касаначи Раъно Чиндалиев каби меҳнаткаш кишилар билан суҳбатлашсангиз, режанинг уддаланишига қаноат ҳосил қиласиз.

Комбинатнинг муаммолари, қийинчиликлар ҳам етарли. Аммо жамоанинг тадбиркор раҳбарлари, меҳнатсевар ишчилари келажакни кўзлаб, сидқидилдан меҳнат қилмоқдалар. Ота-боболаримиз айтганидек, иш устасидан қўрқар. Буни арнасойлик маҳаллий саноатчилар яхши биладилар.

Б. САТТОРОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

• ЧОРВАДОРЛАРНИНГ ЮМУШЛАРИ

ОЗУҚА МЎЛ

Чорвачилик ривожи унинг озуқа базасини мустаҳкамлашга боғлиқ. Ғузор районидаги «Пачкамар» давлат хўжалиги меҳнаткашлари буни тўғри англаб, хашак тўплашни авж олдириб юбордилар. Бу йил баҳор серёғин келиб, қир ва адирларда ўт-ўлан кўп бўлди. Бундай қулай шароитда икки-уч йилга етадиган миқдорда табиий хашак тўплаш мумкин.

Айни кунларда Кенгкўл, Достар ота, Қир, Ўн олти, Бузаҳур ва Тоштерма участкаларида меҳнат булоқдек жўшмоқда. Хўжаликда тузилган 8 та зарбдор бригадага уюшган 100 дан кўпроқ киши хашак тўплашга сафарбар этилди. 32 та ғарамловчи ва бошқа ўрим-йиғим техникалари тинимсиз ишлатилмоқда. Шунингдек, 8та автомашина тайёр хашакни фермаларга ташиётир.

Маъмуриятдан ҳашак тўплашга масъул қилиб бош инженер Абдуқаҳҳор Мақсудов белгиланган. Шунга кўра механизмлар кучидан унумли фойдаланиляпти. Айниқса, Мамаражаб Соимов, Абдураим Чоршанбиев, Холтурди Боймуродов бошлиқ бригадалар қир-адирлардаги табиий ўт-ўланларни йиғиштириб олишда алоҳида жонбозлик кўрсатишаётир. Уларнинг фидокорона меҳнати туфайли ҳозиргача тўпланган хашак 2 минг тоннадан ошиб кетди.

— Бу йил мавсумда чорвадорларимиз 4 минг 200 тонна дағал хашак тўплашни мўлжаллашяпти, — дейди совхоз директори Ўткир Жумаев. — Бундан ташқари, 7 минг гектар ердаги арпа-буғдой ҳам бошоғини кўтаролмаяпти. Унга ҳам ўроқ тушди. Жами 17 та комбайн лалми ерда пишиб етилган мўл ҳосилни ўриб-йиғиб олишга киришди. Камида 8 минг тонна ғалла ва 8 минг тонна сомонни саранжомлаб оламиз. Бу меҳнаткашларимизни бемалол лон билан таъминлаш имконини беради. Шу билан бирга хўжалик отарларидаги 37 минг бош кўй-кўзига етарли озуқа бўлади.

М. КАРОМОВ
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Давр чорвадорлар олдига ҳам катта талабларни қўймоқда. Моллар наслини яхшилаб, туёғини кўпайтириш уларнинг бош вазифасига айланган.

Бешариқ районидаги «Намуна» давлат хўжалигидаги зотдор қорамоллар етиштиришга ихтисослашган фермада қилинаётган ишлар фикримизнинг далили. Айни кунларда бу ерда 494 бош ғунажин парвариш қилиняпти. Шу йил ҳисобидан зотдор юз бошдан зиёд қорамол хўжаликлар ва аҳолига арзон нархларда сотилди.

Суратда: (чапдан) ферма мудири Шавкат Шомирзаев ва зоотехник Дилмурод Пирматов.

Т. МАҲКАМОВ олган сурат.

ПАХТА ЗАВОДИ... КЎЙЛАГИ

● Наманган вилоятидаги Чортоқ пахта тозалаш заводи «Ўзига тўқ» корхоналардан. Унинг йиллик даромади юз миллион сўм атрофида.

Аммо завод директори А. Дадахонов ҳамон изланишда. Унинг саъй-ҳаракати билан аҳолига хизмат қилувчи пахта титиш цехи қурилди, ёрдамчи хўжалик, лимонарий, иккита мевали боғ бунёд этилди. Энди эса қўшма корхона...

— Бундан мақсад нима? — деб сўраймиз ундан.

— Аввало, ҳозирги бозор иқтисодиётига ўтиш пайтида, нарх-наволар кундан-кунга ошиб турган паллада даромад олишнинг янгиянги манбаларини қидириб топиш даркор. Қолаверса, шу йўл билан аҳолини иш билан таъминлаш, халқ истеъмоли молларини кўпайтиришга ҳисса қўшиш, олинган фойда ҳисобига ишчиларнинг моддий манфаатдорлигини оширишни кўзлаяпмиз.

Дарҳақиқат, Японияннинг «Жуки» фирмаси билан ҳамкорликда ташкил этилган қўшма корхона заводнинггина эмас, Чортоқ шаҳрининг ҳам фахри бўлиб қолди. Бу ерда тикилаётган эркаклар кўйлаклари жуда харидоргир.

Тикув машиналари ва эҳтиёт қисмларни ҳам японнялик шериклар етказиб беришди. Фирма мутахассислари Чортоққа келиб, тикувчилик билим юрти битирувчиларидан бир гуруҳига япон машиналаридан унумли фойдаланиш йўлларини ўргатишди. Корхонада ҳозир кунига уч моделда юз донадан нафис кўйлак тикилмоқда. Тайёр маҳсулот шартнома асосида Чортоқ район ва шаҳар матлубот жамиятлари, вилоят «Текстильторг» базасига сотиляпти. Газмол билан таъминлашда Наманган шойи комбинати ва тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмалари корхонага ҳомийлик қилмоқда. Ҳадемай, маҳсулот корхона фирма дўконида сотиладиган бўлади. Натижада кўйлаклар аҳолига анча арзон тушади.

Б. МАНСУРОВ,
ЎзА мухбири.

ҚИТЪАЛАР ВА ОДАМЛАР

ПРЕЗИДЕНТ САФАРИ

Россия Президенти Борис Ельцин амалий сафарга йўл олди.

Уч кунлик сафар чоғида Президент одамлар билан учрашиб, муаммоларни биргаликда ҳал қилиш йўлларини муҳокама қилади. Краснодар ўлкасидан сўнг Ельцин Қалмиқ ва Омск вилоятларида бўлади.

МУҲОКАМАДА ОРОЛ МУАММОСИ

● Қозоғистон пойтахти Олмаотада Орол муаммолари бўйича олимлар халқаро ишчи гуруҳининг кенгаши бўлди.

Гуруҳ таркибида Япония, АҚШ, Ўрта Осиё ва Қозоғистон давлатларининг вакиллари бор. Улар Орол билан боғлиқ лойиҳаларни илмий ва молиявий таъминлаш бўйича ҳисоб китобларни тайёрлашмоқда.

Олмаотадаги кенгаш ўз ишини якунлагач, олимлар Тошкентга йўл олишади. Ўзбекистонлик олимлар билан ҳамкорликда иш олиб борилади.

МУЗОКАРАЛАР БЎЛДИ

● Манила шаҳрида Россия Федерацияси билан Филиппин давлатлари ташқи ишлар маҳкамалари бошлиқларининг музокаралари бўлди.

Россия ташқи ишлар вазири А. Козирев ва Филиппин ташқи ишлар бўйича котиби Р. Манглапус ўртасидаги музокараларда муҳим масалалар тилга олинди. Айниқса, икки томонлама ҳамкорлик, шунингдек, Осиё — Тинч океани минтақасидаги вазиятга доир масалалар атрофлича муҳокама қилинди.

САРАЕВО АЭРОДРОМИ ОЧИЛДИ

● «Бунир» аэродроми инсонпарварлик ёрдами юклари ортилган самолётларни қабул қилиш учун яна очилди.

Маълумки, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг аэропортни назорат қилаётган кучлари қўмондонлиги шу ҳафтанинг бошида аэродром яқинида ўқ отиш кучайганлиги учун Сараевога самолётларнинг қўнишини бекор қилган эди.

Сараевода ҳозирча осойишталик ҳукм сурмоқда. Шу туфайли ҳаво кўприги тикланди. «Бунир» аэродроми кунига 10—12 та самолётни қабул қилаётир.

НАРХЛАРГА ЭРКИН ТУС

● Қирғизистон иқтисодий тадқиқотлар институти хабар қилади:

Республикада нархларга эркин тус берилгандан сўнг биринчи марта давлат бюджетининг даромадлари харажатлардан орта бошлаган. Нархлар индекси ярим йил ичида 213,9 дан 105,5 га тушди. Бу эса давлатда товар пул алмашуви амал қила бошлаганлигини билдиради.

ҲУКУМАТНИНГ ЯНГИ ТУЗИЛМАСИ

● Кишинев шаҳрида Молдова парламенти ўз ишини давом эттираётир.

Депутатлар, янги Вазирлар Маҳкамаси — Миллий тотувлик ҳукуматининг таркибини муҳокама қилишни давом эттиришди. Мудофаа ва миллий хавфсизлик вазирлари тасдиқланди. Молдова бош вазири Андрей Сангели депутатларга ҳукуматнинг янги тузилмасини тақдим этди.

ЯНГИ ХАРИД НАРХИ

● Донецк вилояти маъмурияти доннинг янги харид нархларини белгилади.

Деҳқонлар ҳар тонна бўғдой учун унинг навига қараб 10 минг сўмдан 15 минг сўмгача пул оладилар.

ОЛТИ ЙИЛДАН СЎНГ

● Миср Араб Республикаси пойтахти — Қоҳирага Исроил Бош вазири Р. Рабин келди.

Миср Президенти Ҳ. Мубарак билан Исроил бош вазири музокаралар олиб борди. Олий даражадаги бундай учрашув олти йилдан сўнг яна ўтказилди. Музокарада Яқин Шарқдаги аҳволни муҳокама этишга катта эътибор берилди.

САМОЛЁТ ҲАЛОКАТИ

● Тбилиси аэропортида кутилмаган ҳодиса юз берди.

Грузия авиакомпаниясининг «ТУ-154» авиалайнери фалокатга учради. Самолёт бортида бўлган 13 нафар киши ҳалок бўлди.

(Жаҳон ахборот агентликлари ва рўзномаларининг хабарлари асосида тайёрланди).

Воқеалар, янгиликлар, хабарлар

• ҚАДРИЯТЛАРИМИЗ

МАЪНАВИЯТ МАСКАНИ

● МУСТАҚИЛЛИК муносабати билан диний қадриятларимиз ҳам тикланиб, шаҳар-қишлоқ ва районларда мадраса, масжидлар юз оча бошлади. Уларни ҳамюртларимиз қадимий анъана — ҳашар йўли билан тикламоқдалар. Турли ташкилот ва корхоналар бу борада ҳомийлик қилишмоқда.

Ўтган йили қувасойликлардан 121 минг киши Мовароуннаҳр диний бошқармасига Қувасой шаҳрида масжид тиклаш юзасидан рухсат сўраб, мурожаат этган эди. Ташаббус маъқулланди.

Шаҳар ҳокимияти эса автовокзал ёнидан 5 гектар ер ажратди. Фуқароларнинг умумий йиғинида қурилишнинг раҳбари этиб уруш ва меҳнат фахрийси, 73 ёшли оқсоқол Жўрабой Олимов сайланди. Масжид лойиҳасини меъмор Аҳмаджон Баҳромов чизди. Яратганнинг уйига «Жоми раҳма масжиди» номи берилди. Бир йўла 2500 номозхонга мўлжалланган сахн, кутубхона, мадраса, бошқарув хонаси ҳақида пухта ишланма тайёрланди.

Муборак иш бошланганидан дарак топиб, Саудия Арабистонидан келган Муҳаммад Носир Ал-абири қурилишга 6 минг доллар (ўша пайтдагига нисбатан) ҳадя этди. Қувасойлик серҳиммат фуқаролар 230 минг, чинни иднишлар заводи жамоаси 215 минг, шиша ишлаб чиқариш корхонаси 200 минг, цемент комбинати 60 минг ва бошқа кўплаб корхоналар кўмагида яна 400 минг сўм маблағ масжид қурилишига иноят қилинди. Ҳашарда эса савоб учун 16 минг фуқаро фаол иштирок этди. Мовароуннаҳр диний бошқармаси эса 15 минг сўмлик хайрия берди.

Айни кунларда масжид қурилишининг бир қисми ниҳоясига етказилиб, асосан пардозлаш ишлари амалга оширилмоқда. Уста нақкошлар Х. Нурматов, М. Тўхталиев, Х. Йўлдошев, Э. Орифжоновлар масжиднинг ички безакларини адо этаётирлар. Бу йирик масжид ҳам маънавият масканларидан бири бўлиб қолади.

Абдулҳаким АҲМЕДОВ.

ЭЛЛИККАЛЪА. Райондаги А. Навоий номли давлат хўжалигида баҳорда 900 гектар майдонга чигит экилган эди. Ҳозир ниҳоллар ривожи яхши. Деҳқонларнинг нияти бу йил камида икки минг тонна пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш. Кези келганда айтиш керак, хўжаликда бир пайтлар ўзлаштирилиб, кейинчалик экин экишга яроқсиз бўлиб қолган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашга катта эътибор берилмоқда.

Суратларда: хўжалик директори У. Ражапбоев ва бунёдкорлар гуруҳи.

Э. ҚОЗОҚОВ олган суратлар.

• ИЗЛАГАН ИМКОН ТОПАР

● «Гигант» давлат хўжалиги бундан бир неча йил илгари нафақат Навбаҳор районида, балки кенжа Навоий вилоятида ўта қолоқ, даромади буромадига етмайдиган хўжаликлардан саналарди. Бу эса район ва вилоят раҳбарларини қаттиқ ташвишга солди. Нима қилиш керак? Қандай йўл тутилса, хўжалик оёққа туради, иқтисодиёти яхшиланади? Ахийри шундай хулосага келинди: хўжалик директорини алмаштириш керак. Хўш, унинг ўрнига кимни сайлаш мумкин? Кўпчилик овоз билан район деҳқончилик-саноат уюшмаси етакчи мутахассиси Тошпўлат Болтаев директорликка сайланди.

ТАНГЛИКНИ ТАНТИЛИК ЕНГАДИ

Тошпўлат ишни хўжаликнинг кекса, кўпни кўрган оқсоқолларини йиғиб юзма-юз маслаҳатлашишдан бошлади. Шунингдек, мазкур хўжаликнинг собиқ директорлари— Иброҳим Норов, Қаҳрамон Абдуллаев, Тошниёз Бобоқуловларни ҳам ҳузурига чақиртириб, бир пиёла чой устида бафуржа суҳбатлашди. Чунки қарийб 19 минг аҳолиси бўлган, 6 бўлим, 44 бригада, 600 та оилавий пудратдан иборат катта хўжаликни изга солиш, иқтисодиётини юксалтиришга биргина раҳбарнинг кучи, тажрибаси етмаслигини у яхши биларди. Бунинг устига собиқ раҳбарлар ҳам хўжалик қолоқликка юз тутсин, деб ишлашмаган. Уларнинг ҳам ўз иш дастури бўлган. Йўқ, кўпчиликнинг фикрини билиши, айниқса, ўзидан ўн-ўн бешта кўйлакни зиёд йиртганларнинг гапига қулоқ солиши Тошпўлатга калаванинг учини топишга, сурункали қолоқлик илдизи қаердалигини билиб олишга кўмаклашди.

— Тўғриси, директор сифатида илк бор иш бошлаганимда ниҳоятда ташвишланган эдим, — дейди Т. Болтаев. — Зеро, қолоқликдан қутилиш, халққа фаровон турмушни ҳадя этиш биргина раҳбарга ёки унинг уддабуронлигига боғлиқ эмас экан. Илғорликка ҳам, дориломон кунга ҳам бир ёқадан бош чиқариш туфайли эришилади. Етмиш, саксон ёшни қоралаган кексалардан олган бирдан-бир маслаҳатим худди шу: кўпчиликка таяниш, кўпнинг йўлидан юриш. Ҳамжиҳатлик туфайли хўжалик ҳам озми-кўпми қаддини рослади. Иқтисодиёти айтарли изга тушди...

Дарҳақиқат, тангликни тантилик енгаркан. Айниқса, оила ва ижара пудратининг кенг жорий этилиши, қатъий шартнома асосида халққа ернинг бўлиб берилиши ижобий самара берди. Асосан ғалла, пахта, чорвачиликдаги пудрат системаси ниҳоятда қўл келди. Ҳамма ўзи учун, пировард натижа — мўмай даромад учун масъул. Ўтган йили «гигант»ликлар қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришнинг барча турлари бўйича режаларни ошириб бажаришди. Айниқса, 3411 гектар майдондан юқори пахта ҳосили олинди. Президент Фармони асосида хўжаликда 350 тонна тола ушлаб қолинди. Эндиликда ана шу пахта толаси билан хорижга чиқиляпти.

Яқинда Ўзбекистон халқ депутати Т. Болтаевнинг ҳаракати туфайли хитойликлар билан ҳамкорлик ўрнатилди. Улар хўжаликдан 250 тонна тола олишади. Эвазига эса лавлагини қайта ишлайдиган шакар заводи ҳамда ҳар йили беш минг тонна толани тайёр газлама қилиб берадиган фабрика қуриб беришади. Фақат бугина эмас. Хўжаликда шунингдек, Польша билан ҳам алоқа йўлга қўйилди. Ана шу мол айирбошлашлар эвазига бугун «Гигант»да гилам цехи, бичув-тикувчилик цехи, консерва линияси, учта тегирмон, иккита мойжувоз ишлаб турибди. Уларда беш юздан зиёд ишчи ишлаяпти.

Излаган имкон топади, деганларидек, хўжаликда чорвачилик ҳам мўмай даромад берадиган тармоққа айлантирилди. Натижада қорамоллар 1800 бошга, қўй-эчкилар эса 900 бошга етказилди. Бундан ташқари чўчқачилик, паррандачилик ҳам кескин ривожлантирилди. Давлат хўжалигида балиқчилик ва тошбақачиликка ҳам эътибор бериляпти. Жонкуяр иқтисодчи чет элда ҳар бир тошбақа 12 доллар туришини эшитди-ю, чоғроққина тошбақачилик фермаси ташкил этди. Айни пайтда бу фермада 1500 та тошбақа парвариш қилиняпти. Балиқчиликдан эса ҳозирдаёқ беш юз минг сўм даромад олинди.

Қаердан, қайси соҳадан фойда келиши олдиндан чамалаяпти. Айни кезда қадимги Кескантерак виносини хўжаликда тайёрлаш йўлга қўйилади, шунингдек бу ерда шампан виноси тайёрлаш ҳам ташкил этилади. Бу ўринда навбаҳорликлар ишонч билдириб директорни жумҳурият халқ ноиблигига сайлаганлиги жуда қўл келмоқда. У беш юз тонналик музлатгич омбори қурдирди. Вино заводи учун 450 минг сўмлик линия ўрнатилди. Хориждан ўттизта замонавий тикиш машинаси олинди. Энди бўлса директор Бешрободга, Кескантераккa, Навбаҳорга ичимлик тоза сув, табиий газ келтириш учун елиб-югуриб юрибди.

Ҳозирдаёқ Газли—Чимкент трассасидан «Гигант»га қарийб 30 километрлик қувур тортилди. Дамхўжа—Навоий—Бухоро қувурли сув йўлидан эса тоза ичимлик сув олиш мўлжалланяпти. Бундан ташқари қурилиш, маданий-маиший соҳаларда ҳам қатор хайрли ишлар қилинаётир.

Бу йил хўжалик аҳли 8 минг тонна пахта, бошқа кўплаб қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқариш юзасидан режалар тузишган. Ҳозир хўжалик пахта далаларида ишлов бериш, озуқа экинларини ўриб-йиғиб олиш жадал олиб бориляпти. Далалардаги ҳалол меҳнат кузда олинадиган мўл ҳосилдан далолат бериб турибди.

М. ШАРОПОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Мустақиллик шарофати

«УМИД»

АМЕРИКАДА

БОСИЛМОҚДА

● Америка Қўшма Штатларида кўп йиллардан буён фаолият кўрсатиб келаётган «Туркистон» жамияти «Умид» деб номланган журнал чиқара бошлади.



Унинг масъул муҳаррирларидан бири Иброҳим Юксалдир. У Тошкентда меҳмон бўлиб турибди. Редакциямизда бўлиб журналнинг бир сонини ҳадя этди. Биз америкалик меҳмон билан суҳбатлашдик.

— Иброҳим Юксал, марҳамат қилиб ўзингизни таништирсангиз!

— Ўзим асли Туркия фуқаросиман. Ёшлигимдан буён Туркистон халқлари тили ва маданияти ҳамда тарихини ўрганишга қизиқар эдим. Шу боисдан АҚШнинг Колумбия университетида Туркистон тарихи ва маданияти бўйича таълим олдим ва ҳозир у ерда докторант бўлиб хизмат қилмоқдаман. Менинг бу дорилфунундаги устозим ва илмий раҳбарим Эдвард Ольворт бўлади. У киши Ўрта Осиё кафедраси профессоридир. Бу олим ўтган йили «Ўзбеклар» деган катта тарихий монография асарини нашр эттирди. Бу китоб ҳақида сизнинг газетангизда хабар берилди ва бир нусҳаси Алишер Навоий кутубхонасига олинган. Биз Колумбия университети туркологлари «Ўзбекистон овози» газетасини ҳам олиб, ўқиб турамиз.

— «Умид» журнали чоп этилишига нималар сабаб бўлди!

— Ҳозирда Америка турколог олимлари туркистонликлар ҳақида кўплаб рисола ва мақолалар ёзишмоқда. Бундан ташқари СССР тарқалганидан кейин яхши алоқалар ўрнатилмоқда. Ўрта Осиёдаги мустақил давлатлардаги ўзгаришлар ҳақида кўплаб хабарлар олинмоқда, хуллас алоқалар кенгайиб бормоқда.

— Бу журналга асосан кимлар раҳбарлик қилмоқда!

— Асосан «Туркистон» жамияти катта раҳнамолик қилмоқда. Бош муҳаррирларимиз Урхон Бобоқурбон ва Миноввар Улғундир. Журнал ҳозирча 64 саҳифадан иборат бўлиб, у бир йилда икки марта чиқарилади. Дастлабки сонида Туркистон ҳаётига доир жуда кўп мақолалар, суратлар ва бепул эълонлар берилган. Асосан инглиз тилида бўлиб, айрим материаллар лотин алифбосидаги ўзбек тилида ҳам берилган. Журналнинг бош шиори «Ўзини танимаган миллат ўзгаларнинг овидир» деган ҳикматга даҳлдор.

— Журнал саҳифасида ўзбек шоираси Ҳалима Худойбердиеванинг сурати бор экан-а! Чамаси у билан ўтказилган мулоқот берилганми, дейман!

— Шундай. Америкадаги ўзбеклар Ҳалима опанинг ижодини жуда севишади. Унинг мустақиллик ҳақидаги фикрлари саҳифаларимиз мазмунини янада бойитган. Бундан ташқари Жамол Камол, қозоқ шоири Ўлжас Сулаймон шеърлари ҳам берилган.

Шунингдек, Америкадаги таниқли публицист Неъмат Бегиш, ўзбеклар оқсоқоли Акбархўжа мақолалари ҳам диққатга сазовор.

— Сизнинг сафарингиздан кўзда тутилган мақсад нималардан иборат!

— Мен «Умид» журнали вакили сифатида уни ўзбек журналхонларига таништириш ва олим сифатида ўзбек ҳамкасбларимиз билан фикрлашиш мақсадида серқуёш Ўзбекистонга келгандим. Иншоолло ниятларимга эришдим. Кўп режалар амалга ошди. Қатор илмий масканлар ва ўқув юртларида бўлдим. Журналимиз учун маълумотлар тўпладим.

— «Умид» Ўзбекистон ва Америка Қўшма Штатлари ўртасидаги дўстлик алоқаларини янада яхшилашга хизмат қилар экан-да!

— Албатта. Биз Ўзбекистон учун журналимиз саҳифаларидан кенг ўрин берамиз. Ҳатто сизнинг корхоналарингизнинг бепул рекламасини ҳам ёритишга тайёрмиз. Умуман келгусида «Умид»нинг режалари ғоятда катта.

А. ПЎЛАТОВ.

Суратда: «Умид» журнали.

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» ГАЗЕТАСИНИНГ ЖАРЧИНОМАСИ

ДИҚҚАТ! ДИҚҚАТ!

Янги замонавий олий ўқув юрти —

ТАДБИРКОРЛИК ВА ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ АЛОҚАЛАР ИНСТИТУТИ

ТАЛАБАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Институтнинг асосий мақсади — замон талабларига жавоб берувчи ишбилармон ва тадбиркорларни тайёрлаш.

Институтда тўртта факультет бор:

молия ва кредит, халқаро иқтисодий алоқалар, халқаро ҳуқуқ, иш юритишни ташкил қилиш (қизлар учун). Институт ташқи иқтисодий алоқалар, маркетинг, менежер, банк операциялари, савдо фирмалари ишини ташкил қилиш бўйича мутахассислар тайёрлайди.

Институтда ўқиш ва ўқитиш системаси халқаро андозаларга мос келади.

Институтда АҚШ ва бошқа хорижий мамлакатлардан келган профессорлар дарс беришади. Ўқиш муддати 5 йил. Ўқишнинг тўртинчи йили талабалар чет эл мамлакатлари банк ва фирмаларида практика ўтадилар. Институтни битирганлар тегишли фан бўйича магистрлик дипломини оладилар.

Институтга ўрта маълумотга эга бўлган фуқаролар қабул қилинадилар. Абитуриентлар институтга кириш учун чет тили ва математикадан суҳбатдан ўтадилар. Ўқиш—пуллик. Ўқиш ҳақини қирувчи ёки унинг ҳомийси (корхона ва ташкилот) тўлайди).

Институтга топшириладиган ҳужжатлар — одатдагича. Суҳбатлар 1 августдан бошланади.

Манзилгоҳимиз: Тошкент шаҳри, Чилонзор райони, Халқлар дўстлиги шоҳ кўчаси 28-уй.

Телефон: 76-82-69.

ҚАБУЛ КОМИССИЯСИ.

СПОРТ

МУХБИРЛАР МАСКАНИДА

● Барселона олимпиадасида жаҳоннинг турли мамлакатларидан ташриф буюрган 5100 нафар журналистнинг ҳозир бўлиши кўзда тутилмоқда.

Газета, телевидение ва радио мухбирлари учун жами 51134 квадрат метр майдонни ташкил этувчи хоналар ажратилади. Икки ҳафта давом этадиган қизғин ва муросасиз спорт мусобақаларини ёритиш мобайнида журналистлар 128 телевизор, 35 телефакс, 110 ёзув машинкаси ҳамда махсус алоқа воситалари билан жиҳозланган 317 хонадан фойдаланадилар. Бундан ташқари мусобақалар ўтказиладиган жойларда 122 та матбуот гўшалари ташкил этиб қўйилади. Испанияда ўтказилаётган спорт байрамини бетакрор воқеаларга бой бўлиши кутиляпти. Халқаро олимпиада қўмитасининг президенти Хуан Антонио Самаранч эса бир ўзи 250 квадрат метр саҳнга эга бўлган хонада ўтириб, олимпиаданинг боришини кузатмоқчи. Бу хонага 9 та телевизор ўрнатилган бўлиб, президентни қизиқтирган ҳар қандай воқеалар экранда намоён бўлишига имкон топиш мўлжалланмоқда.

КАНАДА КУРАШ МАЙДОНИДА

● Эркин кураш бўйича Канада кубоги учун ўтказилган очиқ мусобақада Ўзбекистон полвонлари битта олтин, иккита кумуш, учта бронза медалини қўлга киритишди.

Соврин учун курашда тўққиз давлат, жумладан Англия, Австрия, Япония, АҚШ каби мамлакатларнинг полвонлари ўзаро баҳслашдилар. Мусобақада Ўзбекистон республикаси номидан Тошкентнинг «Лидер» спорт клуби полвонлари иштирок этишди. Саккиз нафар курашчимиз астойдил беллашиб, мукофотли ўринларни эгаллашга ҳаракат қилдилар. 82 килограмм вазнли Руслан Хинчаговнинг олтин медали қўлга киритиб, мутахассисларни қувонтирди. 100 килограмм вазнли Александр Телегин билан 130 килограммли Винород Тарасенко ғолиблик супасининг иккинчи поғонасига кўтарилишди. Қолган вазнларда Икром Ғофуров, Рамил Атаулин, Элбек Гогаевлар бронза медалларига эга бўлишди. Спортчиларимизнинг бу муваффақиятида мураббий Александр Гараниннинг хизматлари катта. Мусобақага бориш ҳаражатларини қоплаш билан боғлиқ ишларда Канада — Ўзбекистон қўшма корхонаси «Инкросс — Интеразия» фирмаси ҳомийлик қилди.

ЭЗГУ ИШГА ПАНЖА ОРАСИДАН ҚАРАЛМАСИН

● Яқинда тошкентликлар катта бир хушхабарни хуш кутиб олдилар. Тошкент шаҳар ҳокимининг илтимоси Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши томонидан қондирилди. Шаҳардаги қатор районларнинг номлари мусулмонча номланди, аниқроғи тарихий номлар ўз ўрнини буюк алломалар ўз қадриятини топди. Бу яхши, нур устига нур.

Аммо ҳали шаҳар кўчаларини айланар экансиз, чойхона паловни мириқиб тушираётганингизда «кирт» этиб тишга теккан тошдек ғашга тегувчи «ёзув-чизувлар» талайгина эканлигининг гувоҳи бўласиз. Бу ҳамон Давлат тили тўғрисидаги қонуннинг 24-моддаси бажарилмаётганини кўрсатади.

Афсуски, пойтахтда бундай «жиғ»га тегувчи номлар бисёр: Чизельная, Механическая, Дубовая, Степная, Б. Хмельницкий, Комаров, Антипов, Золатарев, Кутузов...

Чилонзор мавзесига қадам ранжида қилсангиз бундан беш баттар: «Украина» кафеси, «Башкирия» дўкони, «Москва», «Киевлянки» магазини, «Подмосковная» бекати... Халқимиз шу қадар «интернационал»лашиб кетганига ёқа ушлайсиз...

Баъзан ўйланиб ҳам қоласан киши, тушимми ёки ўнгимми: қайси шаҳарга келиб қолдим: Ўзбекистондаманми ёки Россияда?!.

Наҳотки шунчалик маънавий қашшоқлашиб кетган бўлсак? Наҳотки шунчалик маънавий қадриятларимизни жаҳонни титратган буюк алломаларимизнинг амалий шукуҳларини унутган бўлсак? Қани Амир Темур, Султон Хусайн, Султонали Машҳадий, Бадриддин Шоший, Хумоюн, Темур Малик, Гулбаданбегим... Қани Хўжа Насриддин, Тўмарис, Широқ, Шоҳсанам каби ўнлаб афсонавий халқ қаҳрамонларимиз номи?..

Ҳа, «Қадр билмас қариндошдан, қадр билган ёт яхши» дейдилар. Биз шунча йил ўзимизни қадр қилмай қадр топмадик. Қадр қиладиган ёт ҳам топилмади, қадриятларимиз топталди, оёқ-ости бўлди.

Маънавий қадриятларимизнинг асоси бўлмиш тилимизни тиклаш тўғрисида — давлат тили тўғрисида қонун қабул қилинди. Тўғри, ўша пайтда Ўзбекистон ҳали тўла мустақил эмас эди. Мазкур қонун юзасидан маълум даражада ижобий ишлар амалга оширилди. Бироқ бу қонун ҳам кўплари қатори ўз қобиғини қоғоздан нари ёриб чиқолмади. Кўп саъйи ҳаракатлар қуруқ гапдан нари ўтмади.

Мана энди Ўзбекистон ҳақиқий мустақил бўлди, БМТга аъзо бўлди, 120 давлат тан олди. Мустақиллик деклорацияси қабул қилинганига ҳам яқинда икки йил бўлади. Агар дўппини бошдан олиб ўйлаб қарасак, Давлат тили тўғрисидаги қонун эскиб қолганга ўхшайди. Бу ҳақда янги қонун керак.

Ўзбекистоннинг ягона тили — ўзбек тили бўлмоғи, уни ҳамма билмоғи шарт. Эски қонундаги кўп моддалар шу кун талабларига жавоб бермайди.

Бу қонун амалда кўнгилдагидек бажарилмаяпти дейишга асос бор. Балки бу ҳақда янги қонун қабул қилмай, янги Асосий Қонунимизга бу ҳақда бир банд киритиш керакдир. Бу бир фикр. Давлатдан маош олаётган қонуншуносларимиз бу ҳақда бир ўйлаб кўрсалар ёмон бўлмасди.

Мана бу суратга бир қаранг-а! Биз фотомухбир Воҳид Тўраев билан пойтахтни айландик. Кўзимиз мана шу давлат тилидан ташқари тилда ёзилган ёзувларга тушди. Ваҳолонки, Давлат тили тўғрисидаги қонуннинг 24-моддасида шундай дейилган: Ўзбекистон ССРдаги шаҳарлар, қишлоқлар, майдонлар, кўчалар, бекатлар, тарихий обидалар ва бошқа жуғрофий-ҳудудий ўринларнинг номлари ягона миллий шаклда берилади ва республика давлат тилида ёзилади.

Бас, шундай экан нега энди ташкилот, муассаса, бирлашма, корхона ва вазирликлар бу эзгу ишга панжа орасидан қарашмоқда? Ахир Тошкент шаҳар ҳокимияти қачонгача бу ишларни ўз эътиборидан қочиради? «Давлат бўлса — савлат, савлат бўлса — ҳурмат» дейдилар. Ўз ғуруримизни топтамайлик.

Тўхтамурод ТОШЕВ,
«Ўзбекистон овози» махсус мухбири.

• ЭҲТИЁТ БЎЛИНГ

ХАВФЛИ ХАСТАЛИК

Тошкент шаҳрида истиқомат қилувчи саккиз ёшли Жайронанинг тўсатдан иссиғи чиқиб, ҳолсизланиб қолди. Хасталик аломатларига кўра салмонеллез касаллиги гумон қилиниб, бемор шифохонага ётқизилди. Лаборатория текширувлари эса Жайронанинг вабо билан оғриганлигини кўрсатди. Бу ўта юқумли ошқозон-ичак хасталиги бўлиб, унга чалинган беморнинг кўнгли айниб, қайд қилади, танасидан кўп миқдорда суюқлик йўқолади. Бундай пайтларда беморнинг ҳаёти фожиа билан тугаши ҳам ҳеч гап эмас.

Иссиқ иқлимли чет мамлакатларда Осиё, Африка ва Лотин Америкасида вабо ўчоқлари мавжуд. Бугунги кунда Ўзбекистон чет давлатлар билан ҳар томонлама алоқалар ўрнатган бир пайтда айниқса эҳтиёткорлик талаб этилади. Чунки Деҳли — Тошкент — Москва бўйлаб учаётган самолётда ҳам Офелия Жангарян исмли аёлнинг аҳволи оғирлашиб қолгани ҳақида хабар қилинган. Уни ҳам текширилганида вабо хасталиги қайд этилган.

Жумҳуриятимиздаги Бухоро, Навоий, Сирдарё, Самарқанд, Қашқадарё, Тошкент вилоятлари ва Тошкент шаҳридаги очиқ сув ҳавзаларининг айримларидан олинган текширувлар шу ҳавзаларда вабо вибрионлари борлигини кўрсатмоқда. Бу касаллик асосан оғиз орқали юқади. Қолаверса, дуч келган жойда сотилаётган ва эскириб қолган озиқ-овқатларни истеъмол қилмаслик, ичимлик учун ишлатиладиган сувни қайнатмасдан ичмаслик, фарзандларимизнинг дуч келган жойда чўмилишига йўл қўймаслик, мева-чева ва сабзавот маҳсулотларини ювмасдан истеъмол қилмаслик ва айниқса покизаликка амал қилиш вабодан асраш кафолатидир.

Ҳар кимнинг соғлиғи аввало ўзига керак. Бирор кишида ҳасталик аломатлари сезилса дархол тиббиёт ходимларга мурожаат этишларини маслаҳат берамиз.

Р. ҚОСИМОВ,
Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги санитария-эпидемиология бош бошқармаси бошлиғи.

• Луқма

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги

ГЕНЕРАЛ ПЕТРОВ НОМЛИ РЕСПУБЛИКА МУСИҚАЧИЛАР ТАРБИЯЛОВЧИ МАКТАБ-ИНТЕРНАТИ

1992—1993 ўқув йили учун

қуйидаги мутахассисликлар бўйича

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Флейта, габой, кларнет, фагот, волторна, труба, трамбон, труба, зарб билан чалинадиган асбоблар.

Дарслар ўзбек ва рус тилларида олиб борилади. Ўқишга 5-синфни тугатган ўғил болалар қабул қилинади.

ҚУЙИДАГИ ҲУЖЖАТЛАР ҲАВОЛА ҚИЛИНАДИ:

1. Тиббий маълумотнома.
2. Туғилганлик ҳақидаги гувоҳнома.
3. Турар жойидан маълумотнома.
4. 6 дона 3х4 см.ли фотосурат.

Аризалар 25 майдан 25 августгача қабул қилинади.

Ўқувчилар давлат қарамоғида бўладилар.

Бизнинг манзилгоҳ: Тошкент шаҳри, 700207, «Ғалабанинг 40 йиллиги» мавзеси, 2-квартал, 28-уй. 30, 110-автобусларнинг, 29, 6-трамвайларнинг «Гўзал» бекати.

«Ўзбекистон овози» газетаси таҳририятига шошилинч равишда

МАЛАКАЛИ МАШИНИСТКАЛАР КЕРАК.

Манзилгоҳимиз: Тошкент шаҳри, Ленинград кўчаси, 32-уй.

Маълумотлар учун телефон: 32-55-19.

ЎТГАНЛАРНИНГ ОХИРАТИ ОБОД БЎЛСИН!

Ленин йўли районидаги Вудённий номли давлат хўжалиги жамоаси шу хўжалик директори С. Тўхтамишевга укаси

Уроз ТУХТАМИШЕВнинг

бевақт вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент автомобиль-йўллар институти ректорати ва жамоаси профессор А. Б. Жумабоевга ўғли

ШЕРЗОДнинг

бевақт вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Жумҳурият саломатлик маркази жамоаси Марказ бош врачи муовини А. А. Азизовга опаси

Санъат АЗИЗОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Бош муҳаррир Ш. О. УБАЙДУЛЛАЕВ.

БИЗНИНГ МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700000, Тошкент-ГСП, Ленинград кўчаси, 32.



БЎЛИМЛАР: муштарийлар фикрини ўрганиш ва хатлар — 33-21-43, 33-54-55, 32-53-16, 33-11-49, 32-54-06; ижтимоий адолат — 33-76-04, 32-53-15; партия турмуши, советлар ҳаёти ва мафкура — 33-34-69, 33-38-55, 32-53-97, 32-57-19, 32-54-18; саноат, қурилиш ва транспорт — 33-47-80, 32-53-14; деҳқончилик-саноат — 33-12-16, 33-07-20, 32-57-20; фан, маданият ва халқ таълими — 33-20-36, 32-54-35; адабиёт, санъат, тил ва публицистика — 33-12-56, 32-55-16; ички ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик — 33-14-24; 32-55-17; ахлоқ-одоб — 32-54-29; фельетонлар — 32-26-70, 32-54-27; безатиш — 32-57-22; ахборот-тижорат маркази — 32-53-20.

ЎЗ МУХБИРЛАРИМИЗ: Андижонда — 4-21-05, Бухорода — 3-96-12, Гулистонда — 2-63-48, Жиззахда — 3-31-86, Қаршида — 3-25-79, Наманганда — 6-54-11, Нукусда — 2-42-62, Самарқандда — 35-22-90, Тошкентда—33-44-51, Урганчда — 6-72-60, Фарғонада — 4-88-25, Термизда — 2-23-01.

«Ўзбекистон овози» («Голос Узбекистана») —общественно-политическая газета Народно демократической партии Узбекистана.

● Йилига 256 марта чиқади.

Нашр кўрсаткичи—64583.

Буюртма № Г—217.

№ 144.

Газета офсет усулида А—2 форматида босилади. ● Босишга топшириш вақти — 21.00. Топширилди — 22.00 Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаачилик концерни. 700000 Тошкент шаҳри. Ленинград кўчаси, 32. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12.